

УДК 81'366.5: 82-343

МИФОЛОГИЯДА ЗАМОННИНГ ДАВРИЙЛИК ВА АНТРОПОМОРФЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Шохиста Муҳаммаджановна СУЛТОНОВА
Катта ўқитувчи
Умумий тилшунослик кафедраси
Инглиз тили 1-факультети
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон
ms.sultana@mail.ru

Аннотация

Мақолада мифларнинг пайдо бўлиш тарихи ва уларда замон категориясининг талқин этилиши очиқ берилган. Қадимги давр кишилари онгида замоннинг даврийлик сифатида идрок этилиши турли тиллардан олинган мисоллар ёрдамида асосланган. Вақт ўтиши ва одамларда замон категориясига муносабатнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда, уларнинг тасавурида замоннинг бир неча моделлари шаклланиши ҳамда улар тилда халқнинг турмуш тарзини ўзига хос тарзда акс эттириши тавсиф этилган.

Калит сўзлар: замон категорияси; миф; сакрал (муқаддас); лисоний-маданий феномен; даврийлик; антропоморфлик; замон ориентирлари; аграр жамият.

ЦИКЛИЧНОСТЬ И АНТРОПОМОРФНОСТЬ ВРЕМЕНИ В МИФОЛОГИИ

Шохиста Муҳаммаджановна СУЛТОНОВА
Старший преподаватель
Кафедра общего языкознания
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан
ms.sultana@mail.ru

Аннотация

В статье раскрывается история возникновения мифов и трактовка в них категории времени. С помощью примеров из разных языков обосновывается, что античные люди познавали время как цикличное. Описывается, как с течением времени в связи с изменением взгляда у людей к категории времени, в их представлении сформировалось несколько моделей времени, которые своеобразно отражают в языке образ жизни народа.

Ключевые слова: категория времени; миф; сакральное (священное); лингвокультурологический феномен; цикличность; антропоморфность; временные ориентиры; аграрное общество.

CYCLICITY AND ANTHROPOMORPHICITY OF TIME IN MYTHOLOGY

Shoxista Muxammadjanovna SULTONOVA

Senior Lecturer

Department of General Linguistics

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

ms.sultana@mail.ru

Abstract

The article describes the history of the emergence of myths and the interpretation of the category of time. With the help of examples from different languages, it is proved that ancient people learned time as cyclical. It describes how over time, due to a change in people's views towards the category of time, several models of time have been formed in their view, which in a peculiar way reflect the way of life of the people in the language.

Keywords: category of time; myth; sacral (sacred); linguocultural phenomenon; cyclicity; anthropomorphism; timeframe; agrarian society.

Энг қадимги сакрал (муқаддас) матнлар ибтидоий маданиятнинг дастлабки босқичида афсунлар ва мифлар кўринишида пайдо бўлган, кейинчалик эса ибодатлар, мадҳиялар, худога қасидалар ва бошқа кўринишдаги матнлар вужудга келди. Уларда мифологик, сеҳрли (магик) тафаккур тури кузатилгани ва бундай тафаккур хусусияти лисоний-маданий феномен ҳисобланган айнан муқаддас матнларда намоён бўлгани учун шу каби матнлар муқаддаслик мақомига (қандайдир конфессия ёки диний-мистик таълимотга) эга бўлдилар (1, 3–4, 11, 13).

М. Элиаде мифга шундай таъриф беради: “Миф муқаддас тарихни баён қилади, “барча ибтидоларнинг ибтидоси” бўлган унутилмас замонларда бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилади. Миф ғайритабиий мавжудотларнинг ҳаракати туфайли воқеликнинг, хоҳ у чексиз фазо бўлсин ёки бор-йўғи орол, ўсимлик дунёси, инсон хулқ-атвори ёки давлат тартиб-қоидаси бўлсин, қандай қилиб мужассамлашгани ва амалга ошгани тўғрисида сўзлаб беради” (2, 15). Демак, мифлар энг қадимги тарих тўғрисидаги маълумот манбаи сифатида замон ҳақидаги илк тасаввурлар ва уларнинг лисоний ифодаси борасида ҳам маълум даражада билимларни етказиш вазифасини бажаради.

Инсониятнинг мифларни ижод қилиш қобилияти унинг борлиқни тушунишга бўлган астойдил интилишларини исботлайди, ваҳоланки, мифлардаги мавжуд образлар одамзотнинг яхшилик ва эзгуликка нисбатан қайсидир маънодаги жавоби ҳамдир (3, 4). Анъанавий жамиятда замон тушунчаси унинг бир йўналишлилиги (ўтмишдан ҳозирги замон орқали келажак томон оқиб бориши) ёки айланиши (даврийлиги) ҳақидаги тасаввури билан

боғлиқ бўлган. Масалан, герман халқларида *Tið* (инглизча *tide*) сўзи денгиз тўлкинининг қирғоққа урилиши, об-ҳавони англатади; *ár* (ингл. *year*, нем. *Jahr*) сўзи эса “ҳосилни” англатганлигидан аниқ даврий такрорланишга ишорани кўришимиз мумкин (4, 85). Қадимги ҳинд тилида *Vartana*, ҳамда рус тилидаги *время* сўзлари (*вертеть*) дастлаб “айланадиган нимадир” семасини англатган (5, 361–362).

Қадимги юнон мифологиясида вақт худоси Хронос раҳмсиз ва аёвсиз қилиб таърифланади. У ҳар сафар янги туғилган болаларини еб қўяди. Хроносга янги туғилган ўғли Зевсинг ўрнига тошни йўрғаклаб берадилар ва вақт худоси тошга тикилиб қолади. Зевс омон қолади ва улғайгач, отасини ер остига зиндонбанд қилади. Ушбу мифда антик давр кишиларининг вақт (замон)ни енгишга интилишлари, абадий яшаш истаклари намоён бўлади (6, 7).

Айланиш худди бир нарсанинг бошқасига *ўзгариши* тарзида ҳам тушунилиши мумкин. Латин тилида *vertor* – “айланмоқ” маъносини англатади, бироқ, бундан ташқари, “ўзгариш, айланиб қолиш” (*versis ad prospera fatis*), (ўзбек тилида *даври келди*, яъни *қулиб боқди*, *оққан сув яна оқади*, *қайтар дунё*; рус тилида *когда судьба улыбнулась, колесо времени возвращается бумерангом*); *verto* – “бурмоқ”, шунингдек, “айлантирмоқ”, “талкин қилмоқ” (масалан, бирор нарса бошқасига айланиб қолганда – худонинг иродаси билан, табиийки, (*quod*) *dii bene vertant!* – “худолар ҳаммасини яхшиликка бурсин!) каби маъноларни англатади. Кўринадики, жамият ҳаётида мунтазам кузатилган даврийлик замон категорияси ифодасида содда тарзда акс эттирилган.

Йил ёки замон – бўш давомийлик эмас, балки аниқ мазмун билан тўлдирилган вақт. Аграр жамиятда тақвим (календарь) қишлоқ хўжалиги ишлари мавсумлари кетма-кетлигини акс эттирар эди. Масалан, скандинавияликларда май ойини “тухум йиғиш палласи”, октябрни – “ҳайвон сўйиш ойи” (бу ном ҳозиргача швед тилида сақланиб қолган), декабрни – “ҳайвонларнинг жуфтлашиш ойи” тарзида номлашган. Ёзни эса “омоч ва ҳосил ғарами оралиғидаги” вақт дея аташган (4, 84). Хуллас, табиат ҳодисалари ва деҳқончилик мавсумлари номларини замон ориентирларидан келиб чиқиб қўллашган.

Бундай усул ўзбек халқининг маиший турмуши ва маданий онгида ҳам чуқур ўрнашган. Аждодларимиз одатда бирор ҳодиса ёки воқеа содир бўлганда унинг аниқ санасини ёзма қайд қилмаганликлари учун уни бирор мавсум номи билан боғлаб, мўлжал сифатида ёдда тутганлар, масалан: *қиш чилласи*, *ўрик гуллаганда*, *қовун пишиғи*, *пахта терими пайти*, *эрта баҳор*, *экин экиш даври*, *қовун пўстлоғи ерга тушганда* ва бошқалар. Баъзан эса миф ва асотирларга хос

бўлган замонга оид ифодалар халқ тилига кўчириб қўлланган: *аямажуз пайти* (арабча: айём ажуз – кампир кунлари), *Азиз момо олти кун. Қахри келса – етти кун*.

Замонни идрок қилиш қадимдан антропоморф, яъни инсон билан боғлиқ бўлганлигини замонга хос баъзи сўзларда кўриш мумкин. Қадимги исланд тилидаги *öld* сўзининг биринчи маъноси – “замон, аср”; бошқа маъноси – “инсоният дунёси, одамлар” бўлган. “Дунё” сўзи – *veröld* (ингл. *world*), *verr* (одам) ва *öld* сўзларидан келиб чиқади (4, 84).

Афсона ва мифларда ҳикоя қилинадиган одамни қурбонлик қилиш ҳодисаси ҳам замоннинг антропоморфлиги билан қисман боғлиқ. Бу анъанага кўра, гўёки ушбу қурбонлик воситасида қолганларнинг умрини узайтириш мумкин бўлган. Баъзи қабилаларда яшаш учун оғир пайтларда, хаттоки, ўз сардорларини ҳам қурбон қилишган.

Аграр жамиятда замон табиий цикллар билан бошқарилганлиги инсон онгининг тузилишини белгилар эди. Қадимги кишилар учун табиатда ривожланиш бўлмаган, бўлганда ҳам, ушбу жамият кишилари назаридан яширин кечган. Улар табиатда фақат мунтазам такрорланишни кўрганлар, унинг ритмик равишдаги айланма ҳаракатининг ҳукмронлигини қайтара олишмаган, яъни ушбу абадий қайталаниш қадимги давр ва ўрта асрлар маънавий ҳаётининг марказида бўлмай иложи йўқ эди. Ўзгариш эмас, балки такрорланиш улар онги ва хатти-ҳаракатининг белгиловчи томони ҳисобланар эди. Бир марталик, аввал ҳеч қачон содир бўлмаган ҳодисалар улар учун ҳеч қандай алоҳида қадрият сифатида аҳамиятга эга бўлмаган, фақатгина мунтазам такрорланувчи, анъана орқали ёритилган фактлар эса ҳақиқий деган номни олган.

Архаик онгда жамоанинг хотирасидаги воқеалар вақт ўтиши билан мифларга айланиб боради. Бунда ўтган замон билан ҳозирги замон ўртасида аниқ фарқ йўқ, зеро, ўтмиш қайта ва қайта гавдаланаверади, ҳозирги замоннинг реал мазмунига айланиб қолади. Ҳаёт эса абадийлик қаърига шўнғийди.

Қадимги кишилар онгида замоннинг ўзига хос жиҳати авлодлар ҳисобида намоён бўлар эди. Улар бирор шахснинг қайси авлодга мансублиги ёки сулолавий кетма-кетлигини аниқлаб, воқеалар мутаносиблиги, узвийлиги тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлганлар. Авлодлар тушунчаси инсонлар гуруҳларининг жонли кетма-кетлигини ҳис қилишга имкон берарди. Бунда индивид ҳозир ва ўтмиш ўртасида реал алоқа боғловчи сифатида намоён бўларди. Хуллас, бу ҳис мавҳум хронологик шкаланинг баъзи нуқталарига оддийгина ишора қилишдан кўра кўпроқ мазмунга ва кадрга эга бўлган, дейиш мумкин (масалан, корейсларда фамилиянинг авлоддан-авлодга кўчирилиши).

Шундай қилиб, бу ҳодиса шажаравий (сулолавий) замон моделининг шаклланишига сабаб бўлган. Қадимда ушбу замон модели ўзига хос аксиологик хусусиятга эга бўлган, чунки аждодлар амалга оширган буюк ишлар авлодлар ҳаётида ҳам такрорланиши муқаррар, деб ҳисоблашган. Шунинг учун қадимги одамлар ҳаётида аждодлар тушунчаси катта аҳамият касб этган, улар буни замон билан боғлашган, шунинг учун авлодларга исмлар орқали ички хусусиятлар ҳам кўчирилишига ишонишган.

Бироқ ҳозирги кунда шажаравий замоннинг аксиологик жиҳати нисбатан кучсизлашаётганини айтиш мумкин. Масалан, исм кўйишда кўпроқ замонавийлик жиҳатининг эътиборга олиниши ёки турмуш қуришда аждодлар тарихига эътибор бермаслик, аксинча, кишининг замонавий жамиятдаги мақомини муҳим деб ҳисоблаш одат тусига кирмоқда. Демак, шажаравий замон бошқа замон моделлари каби ўзгаришга учраётганини кўриш мумкин.

Фалсафанинг асосий категорияларидан ҳисобланган замон ва маконни бир-бири билан боғлиқ ҳолда тушуниш кўплаб тилларнинг қадимги қатламларида кузатилган, яъни аксарият замонга хос тушунчалар аввал маконга хос бўлганлигини айтиш мумкин. Масалан, латинча *orbis* “айлана, доира”, “ер курраси”, “олам”, “йил айланиши”, “йил” каби маъноларни англатади.

Ўзбек тилшунослигида ўзбек сеҳрли эртакларида эпик замон масаласини тадқиқ қилган Қ. Қодиров “...эртакларда қўлланган замон, астрономик вақт тушунчасидан фарқли ўлароқ, ўзига хос индивидуал хусусиятлари билан ажралиб туриши, у сеҳрли эртаклар табиатига мос ҳолда, воқеалар оламидаги ҳаёт ва унга қўйилган талабларга тўғри келадиган шаклларда ифодаланиши” тўғрисида эътироф этади (7, 11). Шундай қилиб, мифлар эртаклардан фарқли равишда доим бирор нарсанинг яратилиши ва пайдо бўлиши тўғрисида хабар беради ҳамда маълум маданият томонидан шак-шубҳасиз обрўга эга бўлган аниқ мавжудлик каби қабул қилинади. Зеро, мифга хос замон “кучли ибтидо”га эга ҳисобланади (8, 27). Илоҳий мавжудот ёки мавжудотлар иштирокидаги миф билан боғлиқ маълум маросимлар ёрдамида унинг такрорланиб туриши мазкур замонни қайта тиклайди ва қайсидир маънода инсон ёдга олинаётган воқеаларнинг “қатнашчиси”, илоҳий қаҳрамонларнинг замондошига айланади.

Миф ўзига хос икки ёқламалик (дуализм) хусусиятига эга, чунки у ҳақиқий (профан) дунёга, бир вақтнинг ўзида муқаддас (сакрал) дунёга тегишли (чунки илоҳий мавжудотларнинг фаолияти тўғрисида маълумот беради). Бундай икки ёқламалик муқаддас замонни ҳақиқий дунёда (борликда) тиклаш имконини беради. Дунёвий билимларга нисбатан илмий ёндашувга эга бўлмаган кўплаб қадимги халқлар маданияти учун коинотнинг тартибга келтирилиши ва

инсоннинг унинг таркибидаги ўрни тўғрисидаги мифлар муҳим роль ўйнаган. Замон тўғрисидаги тасаввурларни ўз ичига олган бундай мифлар турли маданиятларда ўхшаш ва ноўхшаш хусусиятларга эга бўлган ҳамда замонавий илмий таълимотдан кескин фарқ қилган.

Мифологик тафаккур бўйича изланиш олиб борган Ш. Маҳмараимова шундай фикр билдиради: “Бугунги фан-техника тараққиёти даврида инсонларнинг ғайритабиий ҳодисалар, воқеаларга бўлган қизиқиши ошса-ошдики, зинҳор сусайгани йўқ. Ҳолбуки, табиат ва олам ҳодисаларини тушунтириб беришда мураккаблик ва қийинчиликка дуч келувчи фандан фарқли, буларнинг барчасига бир қарашда примитив, аммо бир қадар ишончли изох бера оладиган тушунчалар мавжуд. Булар мифлардир” (3, 4). Диний матнлар эса янада мукамал, таълимий-тарбиявий ғояларга бой, маълум принципларга риоя қилувчи, халқ маданий ҳаётига оид ҳамда тарихий маълумотлар ҳам жамланган манбалар сифатида илм-фанда муҳим ўрин тутди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, замондек универсал категорияни муқаддас тушунча сифатида белгилаш учун Қадимги Шарқ халқлари мифологияси ва муқаддас матнларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро, мазкур категорияни муқаддас матнлардаги замон тўғрисидаги таълимотлар ва замонавий билимлар уйғунлигида ўрганиш у ҳақидаги асосиз ва янглиш фикрларга барҳам беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ

1. Гриненко Г.В. Сакральные тексты и сакральная коммуникация: логико–семиотический анализ вербальной магии. – М.: Новый век, 2000. – 436 с.
2. Элиаде М. Аспекты мифа. 4-изд. – М.: Академический проект, 2010. – 251 с.
3. Маҳмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент: Чўлпон, 2018. – 99 б.
4. Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – М.: Искусство, 1984. – 350 с.
5. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. В 4-т. – М.: Астрель: АСТ, 2007. – 588 с.
6. Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матнни шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона: НДА., 2004. – 141 б.
7. Қодиров Қ.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 148б.
8. Шестак Л.А. Русская языковая личность: коды образной вербализации тезауруса: монография. – Волгоград: Перемена, 2003. – 312 с.

REFERENCES

1. Grinenko G.V. *Sakral'nye teksty i sakral'naja kommunikacija: logiko-semioticheskiy analiz verbal'noj magii* (Sacred Texts and Sacred Communication: Logical-Semiotic Analysis of Verbal Magic), Moskow: Novyy vek, 2000, 436 p.
2. Jeliade M. *Aspekty mira* (Aspects of the world), Moskow: Akademicheskij proekt, 2010, 251 p.
3. Mahmaraimova Sh. *O`zbek tili teomorfik metaforalarining qisqacha konseptual lug`ati* (A brief conceptual dictionary of the teoremic metaphors of the Uzbek language), Toshkent: Chylpon, 2018, 99 p.
4. Gurevich A.Ja. *Kategorii srednevekovoj kul'tury* (Categories of medieval culture), Moskow: Iskusstvo, 1984, 350 p.
5. Fasmer M. *Jetimologicheskij slovar' russkogo jazyka* (Etymological dictionary of the Russian language.) V 4-t., Moskow: Astrel': AST, 2007, 588 p.
6. Hakimova M. *Uzbek tilida vaqt ma'noli lug'aviy birliklar va ularning matnni shakllantirish imkoniyatlari*, Extended abstract of candidate's thesis, Fergana: NDA, 2004, 141 p.
7. Kodirov K.N. *Uzbek sehrli ertaklarida zamon va makon talqini* (Interpretation of time and place in Uzbek magical fairy tales), Extended abstract of candidate's thesis, Tashkent, 2004, 148 p.
8. Shestak L.A. *Russkaja jazykovaja lichnost': kody obraznoj verbalizacii tezaurusa* (Russian language personality: codes of figurative verbalization of the thesaurus: monograph), Volgograd: Peremena, 2003, 312 p.